



ҚАСДДАН ОДАМ ЎЛДИРИШ ЖИНОЯТЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШИШДА АЙРИМ МУЛОХАЗАЛАР.

Ибрагимов Абдор Алимович

ИИБ Академияси катта ўқитувчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20233432>

ARTICLE INFO

Received: 1st May 2026

Accepted: 5th May 2026

Published: 16th May 2026

KEYWORDS

қасд, жиноят, одам ўлдириш,
объект, қонун, ижтимоий
хавфлилик, тажовуз.

ABSTRACT

Мақолада қасддан одам ўлдириш жиноятининг тушунчаси, таҳлили, хорижий давлатларнинг тажрибаси, қасддан одам ўлдириш жиноятининг эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиши билан боғлиқлиги, ички ишлар органлари тизимида қасддан одам ўлдириш жиноятига қарши курашишдаги замонавий ёндашув, қасддан одам ўлдириш жиноятига қарши курашишда ички ишлар органларининг жамоатчилик билан ҳамкорлиги, қасддан одам ўлдириш жиноятларига қарши курашиш бўйича ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари ходимларининг назарий ва амалий тажрибасини шакллантириш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилган.

КИРИШ

Бизга маълумки, тажовуз объектини тўғри аниқлаш ҳар қандай жиноятнинг моҳияти ва ҳуқуқий табиатини ҳамда ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Жиноят қонуни билан қўриқланадиган ҳар қандай ижтимоий муносабатлар жиноятнинг объекти бўлади. Жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 2-моддасида берилган бўлиб, шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, мулк, табиий муҳит, тинчлик, инсоният хавфсизлиги, Ўзбекистоннинг Конституциявий тузumi жиноятнинг объекти бўлади. Фақат жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларгина жиноятнинг объекти бўлади. Жиноят қонуни билан қўриқланмайдиган ижтимоий муносабатлар жиноятнинг объекти бўла олмайди. Жиноят объектининг турлари жиноят ҳуқуқи назариясида учга бўлиб таҳлил қилинган бўлиб, булар умумий, махсус ва бевосита объектлардан иборат. Жиноят ҳуқуқида умумий объект дейилганда, жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар йиғиндиси тушунилади.¹ Жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳаси махсус объект, дейилади. Жиноят қонунининг конкрет нормаси билан қўриқланадиган муносабатга жиноятнинг

¹ Sheribbayevich, Y. X. (2025). AQIDAPARASTLIK, DINIY EKSTREMIZM VA TAQIQLANGAN DINIY MATERIALLARNING IJTIMOYIY BARQARORLIKKA TAHDIDI. *Ta'lim innovatsiyasi va integratsiyasi*, 60(1), 262-266.

бевосита объекти, дейилади. Жиноятлар бевосита объектига кўра бир-биридан фарқ қилади. Жиноят ҳуқуқи назариясидан маълумки, ҳаётга қарши қаратилган барча жиноятларнинг объекти бошқа инсоннинг ҳаётидир. Шундай экан қасддан одам ўлдириш жиноятининг ҳам объекти бошқа инсоннинг ҳаёти ҳисобланади. Тиббиётдан биологик, инсон биологик мавжудотдир. Инсон ҳаёти вақт оралиғида кечувчи ва шу билан бирга ўз бошланиши ва интиҳосига эга бўлган, муайян биологик жараённи акс эттирувчи тушунчадир. Бироқ биз инсон ҳаётини фақат биологик тушунча деб чеклаб қўйишимиз нотўғри бўлар эди. Чунки, инсон ҳаёт экан у жамиятнинг аъзоси ҳисобланади ва у жамиятда ҳукмронлик қилаётган ижтимоий муносабатларнинг субъекти бўлиб ҳисобланади. Инсонни ҳаётдан маҳрум этиш жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг бузилишига олиб келади. Демакки, инсон ҳаётини ижтимоий муносабатлардан ажратиб бўлмайди. Ҳаёт фақатгина биологик тушунча сифатида жиноятнинг объекти бўлиши мумкин эмаслигини қуйидагича исботлашимиз мумкин. Маълумки, инсоният ўз тарихи давомида бир неча жамиятларни қурган, улар орасида шундай жамият ва қонунлар бўлганки, улар инсон ҳаётини муҳофаза қилмаганлар.² Масалан, қулдорлик тузумида озод кишини ҳаётдан маҳрум қилиш одам ўлдириш бўлиб ҳисобланган. Қулни ўлдириш эса жиноят ҳисобланмаган. Худди шу каби феодализм даврига келиб хўжайин деҳқонни ўлгунича дўппослар, агар хоҳласа уни бошини танасидан жудо қилишни буюриши мумкин эди. Қонун жиноий тажовузлардан ҳаётни нафақат биологик тушунча сифатида, балки инсон ҳаётини ижтимоий муносабатларнинг вужудга келиши, мавжуд бўлиши ва ривожланишининг асоси сифатида ҳам ҳимоя қилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунчилиги, хоҳ у гўдак бўлсин хоҳ катта ёшдаги киши, хоҳ у оғир ва тузалмайдиган касал бўлсин, хоҳ соғлом, барча одамлар ҳаётини бир хил тенгликда муҳофазалайди³. Қасддан одам ўлдириш жиноятининг бевосита объекти бошқа инсоннинг ҳаёти, шундай экан, жиноят содир қилиниш пайтида жиноят кимга қаратилган бўлса, ўша одам тирик бўлиши талаб этилади. Акс ҳолда у қасддан одам ўлдириш деб топилмайди. Яъни, жиноят содир қилингунга қадар “жиноят объекти” бўлмиш одам ўлиб бўлган, бироқ буни жиноят субъекти билмайди ва уни ўлдириш мақсадида жиноятни содир этади (жиноят ҳуқуқи назариясида бундай ҳолат “яроқсиз объект”га тажовуз қилиш, ёки объектга нисбатан хато деб аталади). Бундай ҳолда, жиноят субъектининг қилмишига қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этишга суиқасд қилиш, деб қаралмоғи лозим. Чунки, гарчи бу ерда “жиноят объекти” мавжуд бўлмаса-да, жиноят субъектининг ҳаракатлари ўзининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотмаган бўлиб ҳисобланади. Демак, қасддан одам ўлдириш жиноятини ижтимоий хавфли қилмиш сифатида таснифлаш учун мазкур жиноятнинг объектига қўйиладиган талаб – бу тажовуз қилинаётган инсоннинг ҳаёт, яъни тирик бўлишидир. Шундай экан, инсон ҳаёти қачон бошланади ва қачон ўз якунини топади, деган савол ҳаммамизни қизиқтириши табиийдир. Чунки, инсон ҳаётининг жиноят-ҳуқуқий муҳофазаси қачондан бошланиб, қачонгача давом этишини билиш ижтимоий иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий нуқтаи назардан жуда муҳимдир. А.Н.Красикова эса, ҳомиладорнинг организмидан ҳомиладорлик маҳсулини тўлиқ ҳайдалиш ёки чиқариб ташланишини, яъни, кесиб ташланмаган киндик ичакчасини истисно этиб, ҳомиланинг туғувчи қорнидан ажралиши ва чақалоқда нафас олиш ёки юрак урушининг, киндик ичакчасининг пулсацияси ёхуд мушакларнинг эркин ҳаракатлантиришнинг мавжудлигини қайд қилинишини инсон ҳаётининг бошланғич лаҳзаси деб ҳисоблаш лозим деган, фикрни илгари суради. У ўзининг бундай ёндашувини соғлиқни сақлаш

² Файзуллаев, Д. О. (2024). Ёшлар орасида жиноятчиликка қарши курашиш давлатимизнинг долзарб вазифасидир!. *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, 1(1), 117-123.

³ Sheribbayevich, Y. X. (2025). GIYOHVANDLIKKA QARSHI KURASHISHNING AHAMIYATI. *Ta'lim innovatsiyasi va integratsiyasi*, 60(1), 242-249.

вазирлигининг буйруқ ва инструкциялари билан асослайди.⁴ Шунингдек, мазкур масала юзасидан ўз изланишларини олиб борган профессор М.Х.Рустамбаев чақалоқ танасининг бирор қисми тўлғоқ жараёнида она қорнидан ташқарида пайдо бўлган вақтни ҳаётнинг бошланиши деб ҳисоблаш маъқуллигини таъкидлайди. Ҳуқуқий адабиётларни қисқача таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, инсон ҳаётининг бошланиш лаҳзасини аниқлаш юзасидан қуйидагича ёндашувлар мавжуд: – нафас олишнинг бошланиши; – ҳомиланинг она қорнидан тўлиқ ажралиши; – жисмоний тўлғоқнинг бошланиши; – киндик ичакчасини кесиб ташланиши; – чақалоқнинг бирон бир қисмини она қорнидан ташқарида пайдо бўлиши; – онанинг бўйида (ҳомиладор) бўлиши билан ишлар органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган салмоқли ишлар амалга оширилди ва улар давом этмоқда. Муаммонинг баёни: Ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислохотлар натижада, Ички ишлар вазирлиги жиноят қидирув хизматининг ташкилий тузилмаси ислох қилинди. Жиноят қидирув хизмати тезкор бўлинмалари ва ҳудудий ички ишлар органларининг жиноят қидирув хизмати тезкор бўлинмалари ходимлари томонидан қасддан одам ўлдириш жиноятларининг барвақт олдини олиш, бартараф этиш ҳамда фош этиш, жиноят қидирув хизматининг вазифалари, мазмун-моҳияти қайта кўриб чиқилди ҳамда мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашишда фуқароларимиз айниқса ёшларнинг иммунитетини шакллантириш, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашнинг мутлақо янги механизмлари яратилиб келинмоқда. Ушбу мақолада биз президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббусларига асосан, 2016 йилда қабул қилинган “Ёшлар сиёсати тўғрисида”ги қонунимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаёти ва уларнинг хавфсизлиги кафолатлари тўғрисидаги нормалари талабларидан келиб чиқиб, ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган маъмурий-ҳуқуқий ислохотлар масаласини кўриб чиқамиз ва улар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган айрим ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қиламиз. Тадқиқот мақсади: Ички ишлар органларининг жиноят қидирув хизматлари ҳамда жамоатчилик вакиллари билан ўзаро ўта оғир турдаги жиноятларга қарши курашиш фаолиятида ҳамкорлик, ушбу соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмуни ва моҳиятини илмий таҳлил қилиш, уларни амалга ошириш натижаларини баҳолаш, белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳияти ва амалий ижроси билан боғлиқ муҳим масалаларни ўрганиш, шунингдек, ушбу фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий ва назарий асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш. Тадқиқот усуллари: Ички ишлар органлари фаолиятида жиноят қидирув хизмати тезкор ходимлари томонидан қасддан одам ўлдириш жиноятларига қарши курашишда фуқароларимизда тарбиявий иммунитетини шакллантириш, маъмурий-ҳуқуқий ислохотларнинг мазмуни ва моҳиятини илмий таҳлил қилиш, уларни амалга ошириш натижаларини баҳолаш, белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳияти ва амалий ижроси билан боғлиқ муҳим масалаларни ўрганиш, шунингдек, ушбу фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий ва тактик асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш. Бугунги кунда давлат сиёсатининг асосий вазифаларидан бири сифатида ўта оғир ва оғир турдаги жиноятларнинг олдини олиш ҳамда фош этиш муҳим аҳамият касб этиб, ҳар қандай жамиятларда бу борадаги вазифалар устувор аҳамиятга эгадир. Айниқса, қонун устуворлиги, инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қатъий ҳимоя қилинадиган фуқаролик жамиятларида шахснинг ҳаётига тажовуз қилиш энг оғир жиноят сифатида

⁴ Файзуллаев, Д. О. (2024). ЁШЛАР ОРАСИДА ЭКСТРЕМИЗМ ВА РАДИКАЛИЗМНИ ТАРҚАЛИШИНING ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ КУЧАЙТИРИШNING ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ!. *Eurasian Journal of Academic Research*, 4(1-2), 97-103.

этироф этилганлиги, унга қарши курашиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади⁵. Жиноятларнинг олдини олиш масалалари деярли барча соҳа олимлари томонидан кўп вақтдан буён тадқиқ этилаётган муаммолардан бири бўлиб, криминолог олимлар ва мутахассисларнинг фикрига кўра, бу борадаги самарадорликка эришишда унинг омиллари, яъни жиноятларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш билан кечадиган мураккаб жараён ҳисобланади. Шунингдек, қасддан одам ўлдиришга қарши курашишга масъул бўлган ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари томонидан ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олиш ҳамда фош этиш мақсадида унинг барча хусусиятларини ўрганган ҳолда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишлари, бу борадаги барча куч ва воситаларидан унумли фойдаланишлари ҳамда ҳамкорликни тўғри йўлга қўйиш орқали ушбу фаолиятнинг самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Қасддан одам ўлдириш жиноятларига барҳам бериш ва фош этишга таъсир этувчи омиллар хорижий ва маҳаллий ҳуқуқшунос олимлар томонидан ўрганилганлиги ҳамда бу борадаги фаолиятни яхшилаш мақсадида муайян тизим ва ижобий натижаларга эришилганлигига қарамасдан, жиноятларни содир этиш усул ва воситалари ўзгариб бораётганлиги, жиноят содир этиш омиллари кўплиги ва уларнинг бир-бири билан узвий боғлиқлиги, шунингдек интернет технологияларининг тез суратларда ривожланишини инобатга олган ҳолда бу ишга масъул барча давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш эҳтиёжи мавжуд. Шунини айтиб ўтишимиз жоизки, қасддан одам ўлдириш жиноятларига барҳам бериш ҳамда фош этишда уларга таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш лозим.⁶ “Омил” тушунчаси этимологиясига назар ташлайдиган бўлсак, ушбу тушунча юнонча “factor” сўзидан олинган бўлиб, “бажарувчи”, “ишлаб чиқарувчи”, “пайдо қилувчи” ва “айбдор” маъноларини билдириб, ҳаракатга келтирувчи куч, бирор жараённинг тавсифини белгиловчи сабаб сифатида келтирилган. Кенг маънода, “омил” – айрим тизимларнинг вақтинчалик моделлари ўзгаришига олиб келувчи таъсир этиш манбаи, муайян жараён ва ҳодисаларни ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади. Мазкур келтирилган тушунча ва тарифларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, жиноятларни келтириб чиқарувчи омиллар, содир этилишига туртки бўлган сабаб ва омиллар, уни келтириб чиқарган муайян ҳодиса ва жараёнлар ҳисобланади⁷. Шу билан бирга, қасддан одам ўлдириш жиноятларини келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан бир қатор ходимлар ва ҳуқуқшунос олимлар ўзларининг илмий-тадқиқот ишлари доирасида жиноятларнинг, омиллари, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ҳамда шароитлари юзасидан айрим фикр ва мулоҳазаларини билдириб ўтишган. Юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда шунини таъкидламоқчимизки, қасддан одам ўлдириш жиноятларини содир этилишига таъсир этувчи омилларни ўрганишда жамиятда юз бераётган жараёнларни, уларнинг фуқаролар онгига таъсир этиш хусусиятлари ҳамда салбий таъсир этувчи омилларини бир-бири билан боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Бу эса, ўз навбатида тезкор бўлинмаларнинг мазкур турдаги жиноятларга барҳам бериш ҳамда фош этиш фаолиятини ташкил қилишда муҳим аҳамиятга эга. Ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари томонидан қасддан одам ўлдириш жиноятларини содир этилишига барҳам бериш ҳамда фош этишда тезкор-қидирув тадбирларини ташкиллаштириш ва амалга оширишда унинг қонунийлигини

⁵ Sheribbayevich, Y. X. (2025). TEZKOR-QIDIRUV TADBIRLARINI O'TKAZISH ASOSLARI VA SHARTLARI. *Ta'lim innovatsiyasi va integratsiyasi*, 60(1), 250-256.

⁶ Файзуллаев, Д. О. (2025). ЯНГИ ТУРДАГИ ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ, ТУРЛАРИ ВА КРИМИНОЛОГИК ТАҲЛИЛИ. *Central Asian Journal of Education and Innovation*, 4(5), 103-105.

⁷ SHERIBBOEVICH, Y. (2024). BASICS OF A QUICK EXPERIMENT CONDUCTING OPERATIONAL SEARCH EVENTS. *INTERNATIONAL JOURNAL*, 4(7), 30-37.

таъминлаш, ҳамкор ташкилотлар вакиллари билан доимий равишда маълумотларни алмашиш, ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирлари натижаларидан фойдаланган ҳолда қасддан одам ўлдириш жиноятларини фош этишга оид аниқ фаолиятни замон талабларига мос такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

ХУЛОСА

Қасддан одам ўлдириш жиноятларини содир этилишига барҳам бериш ҳамда содир этилганларини фош этишда қисқа давр ичида бу турдаги жиноятларни содир этиши мумкин бўлган жиний муҳитдаги шахслар билан муносабатлари аниқланиши лозим. Шу сабабли, қасддан одам ўлдириш жиноятларининг содир этилишига барҳам бериш ҳамда фош этишга жалб этилган тезкор ходимлар маълум даражада амалий иш тажрибасига эга бўлишлари, иш жараёнида жиноят содир этилиши мумкин бўлган ёки содир этилган ҳодиса содир бўлган жойдаги шахслар билан психологик алоқа ўрната олишлари, улар билан ўтказиладиган суҳбатлар давомида уларнинг руҳий ҳолатига баҳо бера олишлари билан бирга, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда тезкор-қидирув тадбирларини фаол тарзда қўллаш олиш кўникмаларига эга бўлишлари лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Sheribbayevich, Y. X. (2025). AQIDAPARASTLIK, DINIY EKSTREMIZM VA TAQIQLANGAN DINIY MATERIALLARNING IJTIMOIIY BARQARORLIKKA TAHDIDI. *Ta'lim innovatsiyasi va integratsiyasi*, 60(1), 262-266.
- 2.Файзуллаев, Д. О. (2024). Ёшлар орасида жиноятчиликка қарши курашиш давлатимизнинг долзарб вазифасидир!. *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, 1(1), 117-123.
- 3.Sheribbayevich, Y. X. (2025). GIYOHVANDLIKKA QARSHI KURASHISHNING ANAMIYATI. *Ta'lim innovatsiyasi va integratsiyasi*, 60(1), 242-249.
4. Файзуллаев, Д. О. (2024). ЁШЛАР ОРАСИДА ЭКСТРЕМИЗМ ВА РАДИКАЛИЗМНИ ТАРҚАЛИШИНING ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ КУЧАЙТИРИШNING ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ!. *Eurasian Journal of Academic Research*, 4(1-2), 97-103.
5. Sheribbayevich, Y. X. (2025). TEZKOR-QIDIRUV TADBIRLARINI O'TKAZISH ASOSLARI VA SHARTLARI. *Ta'lim innovatsiyasi va integratsiyasi*, 60(1), 250-256.
- 6.Файзуллаев, Д. О. (2025). ЯНГИ ТУРДАГИ ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИNING ТУЗИЛИШИ, ТУРЛАРИ ВА КРИМИНОЛОГИК ТАҲЛИЛИ. *Central Asian Journal of Education and Innovation*, 4(5), 103-105.
- 7.SHERIBBOEVICH, Y. (2024). BASICS OF A QUICK EXPERIMENT CONDUCTING OPERATIONAL SEARCH EVENTS. *INTERNATIONAL JOURNAL*, 4(7), 30-37.